
САЙЁР ҚАБУЛ ВА ИЖРО

Ҳаётда кимдир сизни тингласа, ташвишларингизни жон қулоғи билан эшитиб кўмакдош бўлса, унинг оғирингизни енгил қилиш учун шай турганини ҳис этсангиз, бу нақадар бахт.

Фарғона тумани ҳокими Шухратжон Мўминов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилган, туманмизни ҳар томонлама ривожлантириш, халқ билан очиқ-ошкора мулоқот қилишнинг янгича тизими — Сайёр қабуллар ташкил этилганидан кейин халқнинг реал ҳаётидан хабардор бўлиш, одамларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, уларни ҳатто жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Туман раҳбари ҳар бир МФЙларидаги аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувида билдирилган таклиф ва сўровларни ўз назоратига олган. Унинг бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат ўрнатган. Ижрони амалга ошириш мақсадида жойларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувда Водил қишлоғи “Дилкушо” МФЙ “Пахтакор” кўчасида яшовчи фуқаролар Урайим Усмонов, Турсинали Умаровлар аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга амалий ёрдам беришни сўраб, туман ҳокими Шухратжон Мўминовга муроҷжат қилган эдилар. Бу масала мутахассислар томонидан жойида ўрганилиб, 5 кунда маҳаллага 900 метр ичимлик суви тармоғи

Фарғона тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-08-17 15:15:25